

ТИЛШУНОСЛИКДА ДИНШУНОСЛИККА ОИД ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Феруза Ходжакулова Рустамовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Чет тиллари” кафедраси катта

ўқитувчиси.Tel:911642157

gmail: feruzahodjakulova77@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада лингвист олимларнинг термин тушунчасининг турлича талқинлари ёритилган. Лингвистларларнинг термин тушунчасига берган изоҳлари ва талқинларида ўзига ҳос моҳиятни, белгини ёки терминга бўлган талабни фаҳмлаш мумкин. Терминлар одатда бир маънога эгалиги билан фарқланади. Улар асосан адабиётда ёки фаннинг ва техниканинг қандайдир соҳасига тегишили бўлган матнларда ва нутқда қўлланиладилар. Инглиз тили ва ўзбек тили фаннинг, маданиятнинг, техниканинг турли соҳалари, шу жумладан диншуносликка оид терминлар билан ҳам бойдирлар. Термин тил лугат таркибининг, хусусан ўзбек ва инглиз тилларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Диншуносликка оид термин, бошқа соҳа терминларга қараганда, бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда қўлланиладиган сўзнинг ва терминнинг хусусиятларини ўзида жамлайди. Ҳамма ерда қўлланиладиган сўз каби диншуносликка оид термин дин тушунчасини этнологик ва маданий жиҳат билан маълум замон ва территориал маконда номлайди.

Калим сўзлар: диншуносликка оид терминлар, лингвистларнинг турли талқини, терминлар лугатлари, этнология ва маданият.

ОСОБЕННОСТИ ТЕРМИНОЛОГИИ РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ В ЯЗЫКОЗНАНИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны различные толкования понятия термина религиоведения лингвистами. В комментариях и толкованиях, данных лингвистами понятию термина, можно понять конкретную сущность, признак или требование термина. Термины религиоведения часто используются взаимозаменяемо. В основном они используются в текстах и речи, связанных с литературой или какой-либо областью науки и техники. Термин является одним из основных элементов языковой лексики, особенно узбекского и английского языков. Термин религоведения в большей степени,

чем какой-либо другой полевой термин, сочетает в себе характеристики как слова, так и термина, которые используются одновременно. Термин, относящийся к религиоведению, подобно вездесущему слову, обозначает понятие религии с этнокультурным аспектом в определенном временном и территориальном пространстве.

Ключевые слова: термины религиоведения, различные толкования лингвистов, словари терминов, этнология и культура.

PECULIARITIES OF RELIGIOUS STUDIES TERMINOLOGY IN LINGUISTICS

ABSTRACT

This article describes the different interpretations of the concept of the term namely religious terms by linguists. In the comments and interpretations given by linguists to the concept of the term, it is possible to understand the specific essence, sign or demand for the term. The religious terms are often used interchangeably. They are mainly used in texts and speech related to literature or some field of science and technology. The term is one of the main elements of the language vocabulary, especially in Uzbek and English. The term religious studies, more than any other field term, combines the characteristics of both a word and a term that are used simultaneously. The term related to religious studies, like the ubiquitous word, denotes the concept of religion with an ethno-cultural aspect in a certain temporal and territorial space.

Key words: theological terms, different interpretations of linguists, dictionaries of terms, ethnology and culture.

КИРИШ

Лингвистлар тилшуносликдаги “термин” ва “терминология” тушунчаларини лингвистик талқин қилиш масалалари билан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шуғулдана бошладилар. “Термин” тушунчаси турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Ҳар бир талқинда қандайдир моҳиятни, белгини ёки терминга талабни фаҳмлаш (қайд қилиш) мумкин. А.А. Реформатский “терминлар – булар ўзининг алоҳида вазифаси билан чекланган маҳсус сўзлардир; тушунчаларнинг ва номларнинг аниқ ифодаси сифатида бир хил маъноли бўлишга интилувчи сўзлардир”¹. Шундай қилиб, терминлар фаннинг қандайдир соҳасига тегишилдири. Терминлар ўзларича мустақил ҳисобланмайдилар, улар, шубҳасиз, бошқа лексик қатламлар

¹ Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистик и. – М., 1968. – С. 103-126.

билин фикрни баён қилиш учун хизмат қиладилар. Бироқ улар луғатларда атайлаб кўрсатиладилар ва фаннинг ҳар бир соҳасининг терминлар луғатлари мавжуддир.

Д. С. Лотте эслатиб ўтадики, “терминлар фақат тилда эмас, балки маълум терминологиянинг таркибида мавжуд бўладилар. Агар умумий тилда (ушбу терминологиядан ташқарида) сўз кўп маъноли бўлиши мумкин бўлса, маълум терминологияга тушиб у бир хил маънолиликни қўлга киритади. Термин оддий сўз каби контекстга муҳтоҷ эмас, чунки у маълум терминологиянинг қисмидир, у контекст ўрнида чиқиши мумкин, масалан, техникада реестрларнинг ёки буюртмаларнинг матнларида ажратилган ҳолда қўлланилиши мумкин, бунинг учун тилда битта маъноли бўлиши керак”.² Юқорида айтилганларнинг асосида қайд қилиш керакки, терминларнинг фарқ қилувчи белгиларидан бири уларнинг одатда бир маънолилиги ҳисобланади. Улар адабиётда ёки фаннинг ва техниканинг қандайдир соҳасига тегишли бўлган матнларда ва нутқда қўлланиладилар. Инглиз тили ва ўзбек тили фаннинг, маданиятнинг, техниканинг турли соҳалари, шу жумладан диншуносликка оид терминлар билан ҳам бойдирлар. Ҳамма ерда қўлланиладиган тилнинг сўzlарида термин тил луғат таркибининг, хусусан ўзбек ва инглиз тилларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Бу шундан далолат берадики, тилнинг луғат таркибини ўрганиш пайтида терминларнинг ҳар хил ўзига хос хусусиятлари лингвистнинг диққат марказида бўлиши лозим. Ушбу тилнинг ҳар бир терминни ишлаб чиқилган пайтдагина фан тили мавжуд бўлади ва ривожланиб боради. Терминларни таърифлаш ва таснифлаш фан тилларига бўлган мажбурий талаблардан биридир. Юқорида айтилганидек, кўп маънолилик – бу терминларга хос бўлмаган элементдир. Аммо ҳозирги ўзбек ва инглиз тилларида битта термин иккита ёки ундан ортиқ маъноларда қўлланилишини қайд қилиш мумкин. Терминларнинг бошқа ўзига хос хусусияти шундаки, агар сўз мустақил маънога эга бўлса ва изоҳланса, термин илмий изоҳни талаб қиласди (дефиниция). Шу муносабат билан, таснифлашда терминларнинг барча лексик-семантик белгиси ҳамда соҳага оид тегишлилиги ҳисобга олиниши керак. Синтагматик ва парадагматик муносабатлар ҳам муҳим ҳисобланадилар, яъни тўртта нормаларнинг ҳар бири терминологларнинг диққат марказида туради. Биринчи навбатда, термин дефиниция ёрдамида таснифланади.

² Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. Вопросы теории и методики. – М.: 1961. – 157 с.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Кўпчилик олимлар дефиниция учун тушунчанинг ўзи ёки предмет ҳамда ёрдамида тушунча ва предмет баён қилинадиган сўзнинг пропорционаллиги мавжуд бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу, дефиниция, имкон қадар, терминнинг моддий-маънавий, ақлий, ташқи ва ички турга оид ҳамда тасвирий ўзига хос хусусиятларини қамраб олиши кераклигини белгилаб беради. Терминларга бошқа талаблар қисқалик ва соддалик ҳисобланади. Ушбу талаблар терминларнинг аниқлиги ҳамда таъсиранувчанлигининг омиллари бўлишлари мумкин. Терминларни ҳосил қилиш учун, сўз ясашнинг усуллари ва элементлари – префикслар ва суффикслар, предлоглар ва сўнг қўмакчилар, ёрдамчи сўзлар маънони ва уларнинг қўлланилишини тушуниш кабилар ишлатилишлари мумкин. Шунинг учун, имкони борича содда ва тушунарли терминлар чоп қилинишлари керак. Бу ҳолда бир маънолиликнинг муаммолари, полисемия, синонимия ва терминнинг эквивалентлилик шартлари ҳал қилинишлари мумкин, чунки терминларнинг кўпчилиги ҳамма ерда қўлланиладиган маълум тилнинг асосида вужудга келадилар, уларнинг тартибга солиниши ва ишлаши муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, юқорида биз кўрсатиб ўтган барча талаблар контрастив лингвистикада мавжуд бўлган принципларни ва қонунларни қиёсланаётган тиллардаги диншуносликка оид терминларни сўз ясаш ҳамда структур-семантик таҳлилини тадқиқ қилиш учун тўғри ишлатишга имкон беради. Қайд қилиш керакки, инглиз ва ўзбек тилларидаги таҳлил қилинган диншуносликка оид терминларга кўра, иккала тилларда ҳозирги терминшуносликни аслини олганда терминларнинг лексик ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганмасдан ҳамда умумий ва соҳага оид лугатларни чоп этмасдан туриб ривожлантириш мумкин эмас. Бунинг учун қиёсланаётган тиллардаги терминшуносликни ривожлантириш учун қатъий чораларни қабул қилиш керак. Фақат конкрет планни ҳамда маълум режимни қўллаган ҳолдагина биз иккала тиллардаги терминларни тартибга солишимиз мумкин. Чунки терминлар тил бирликлари сифатида бошқа тил бирликларидан ажралиб турадилар (фарқ қиласидилар).

Хозирги лингвистик адабиётда терминология таърифининг кўп сони учрайди, бу, шубҳасиз, ушбу муаммога юқори эътибордан далолат беради ҳамда унинг тадқиқотига турлича ёндашувлар ҳақида дарак беради. Яна таъкидлаш зарурки, “терминология” сўзига биргина маънога эга бўлган ва аниқ таъриф мавжуд эмас, шунинг учун биз ўз ишимизда терминлар тизимининг умумий хусусиятларини, яна шунингдек уларни табақалаштиришга имкон берадиган ўша фарқларни аниқлашга ҳаракат қиласидик. Ҳақиқатан ҳам, масалан

А.В. Суперанская “терминология” сўзига бир неча таърифларни беради: 1) умумилмий терминларнинг мажмуи ёки ноаниқ тўплами; 2) билимнинг қандайдир маълум соҳаси терминларининг (тушунчаларнинг ҳамда номларининг) мажмуи (курилиш терминологияси, тиббий терминология ва ҳоказо.); 3) умумилмий терминларнинг ясалиши, таркиби ва ишлаши ҳақидаги таълимот; 4) баъзи бир тилда қўлланиладиган билимнинг маълум соҳасидаги терминларнинг ясалиши, таркиби ва ишлаши ҳамда уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентлари ҳақидаги таълимот; 5) умумий терминологик таълимот.³ Ушбу таърифлардан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, биринчи иккита таъриф билимнинг қандайдир маълум тушунчаларининг тизими билан корреляцияга киришадилар, охирги учталарида эса терминология тушунчаси таълимот тушунчалар тизими ҳақидаги фан билан муносабатдош бўлади. Бундан келиб чиқадики, биз терминологиянинг ушбу таърифларини иккита нуқтаи назардан табақалаштириш имкониятига эгамиз: а) терминоэлементларнинг, тушунчаларнинг ва номларнинг мажмуи; б) терминоэлементларни, тушунчаларни ва номларни ясаш ҳақидаги таълимот.

Махсус адабиётда мавжуд бўлган терминологияга терминларнинг мажмуи сифатида асосий нуқтаи назарларни (қарашларни) қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Биринчи нуқтаи назарнинг тарафдорлари терминология – адабий тил лексикасининг таркибий қисми деб ҳисоблайдилар ҳамда бир қатор терминларнинг адабий тиллардан вужудга келганликлари ва уларни терминлар сафига киритиш мумкинлиги ҳақида сўз юритадилар. Бундай нуқтаи назарга А.А. Реформатский амал қиласи, у терминология – бу “ушбу тил лексик тизимининг ичидағи навбатдаги кичик тизим ва бунинг устига энг кўзга кўринадиган ҳамда ҳисоблаб чиқиладиган кичик тизимдир, айниқса, кичик тизим сифатида терминология ўз навбатида тематик белгилари бўйича кичик тизимларга бўлиниб кетадилар”, дейди.⁴

2. Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари терминология миллий тил лексикасининг адабий тил билан оз умумийликка эга бўлган автоном бўлимини ташкил қиласи, деб ҳисоблайдилар ва терминологияни баъзан адабий тилнинг

³ Суперанская, А.В. Подольская, Н.В. Васильева, Н.В. Общая теория терминологии: вопросы теории [Текст] / А.В. Суперанская, Н.В. Подольская, Н.В. Васильева / Отв. ред. Т.Л. Канделаки: Изд.5 -е. – М.: Либроком, 2009. –248 с.

⁴ Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968. – С. 121-122.

нормаларига жавоб бермайдиган ўзининг қонуниятлари билан алоҳида соҳага ажратишни талаб қилиб туриб оладилар.⁵

Айтилганлар диншуносликка оид терминологияга ҳам бутунлай тегишлидир, чунки диннинг қабул қилиниши умуман барча ижтимоий-сиёсий ва фалсафий терминологиянинг ва хусусан диншуносликка оид терминологиянинг ривожланишига туртки берди. Дин лексиканинг бу гуруҳи ривожланиши учун замин яратган ижтимоий ҳаётнинг жиҳатларидан бири бўлди. Диннинг роли фақат диншуносликка оид терминологиянинг шаклланишидагина бўлиб қолмади.

Дин миллий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади ва диншуносликка оид терминология шу соҳанинг ривожланиши муносабати билан яратилади, сайқалланади ҳамда бир шаклга келади (унификациялаштирилади). В. Барклей қайд қилганидек, тилнинг терминологик тизимида диншуносликка оид терминни специфик лингвистик бирлик сифатида таърифлашда маданий, этнологик ҳамда тарихий жиҳатлар муҳим ҳисобланадилар.⁶ Бироқ ҳар қандай термин, шу жумладан диншуносликка оид термин ҳам, биринчи навбатда сўз ҳисобланади. Нутқда ҳамма ерда қўлланиладиган сўзлар ва терминлар параллел ишлайдилар, уларни фарқлаш учун эса маҳсус мукаммал таҳлил зарур. А.А. Реформатский қайд қилган эди: "...Ахир бу – кундалик сўз ва термин - лингвистик жиҳатдан бутун бир муаммодир".⁷ Шу сабабли, диншуносликка оид термин билан ҳамма ерда қўлланиладиган сўз ўртасидаги фарқни чуқур тушуниш учун, умуман сўз ва термин каби тушунчаларни таҳлил қилиш зарур. *Китоб, Қуръон, намоз, эътиқод (дин)* каби сўзлар ва бошқалар турли контекстларда уларнинг қўлланилиши ёки ҳамма ерда қўлланиладиган сўзлар сифатида, ёки терминлар сифатида чиқишилари мумкин. Бироқ уларнинг ҳаммасига, сўзлар каби, қўйидаги характеристикалар хосдир: 1) улар маълум шаклдаги ҳамда семантик мазмун билан лингвистик бирликлар ҳисобланадилар (бу уларни бу категорияга эга бўлмаган фонемалардан ва бўғинлардан ажратиб туради); 2) улар (сўз таркибида ҳосил қилинадиган морфемалардан фарқли равища) нутқда эркин ясалганлар ҳисобланадилар ҳамда тилнинг бошқа конкрет бирликлари билан маҳсус бирлашувларни талаб қилмайдилар; 3) улар тилнинг минимал бирликлари бўлиб (сўз бирикмаларидан фарқли равища) нутқда эркин қайта

⁵ Меркель, С.Э. Семантико-дистрибутивная верификация терминологического знака (на материале документов немецкого гражданско -процессуального права) [Текст] / С.Э. Меркель : Дис. ... канд. филол. наук: 10.02.04. – Волгоград, 2001. – 187 с.

⁶ Barclay W. Analiza semantică a unor termeni din Noul Testament. – Wheaton, Illinois, 1992. – 220 p.

⁷ Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистик и. – М., 1968. – С. 113.

тикланадилар; 4) улар коммуникацион актда қўлланиладилар. Термин, ўз навбатида, сўз ёки синтагма бўлиши мумкин, ижтимоий фанлар конкрет соҳасининг маҳсус тушунчаларини ифода этади. Сўзлардан фарқли равишда, бу бирликлар, қоидага кўра, қўйидаги белгиларга эга бўладилар: 1) улар абстракт: аниқ ҳамда моносемик бўладилар; 2) улар матнда ишлаганида синонимларга эга бўлмайдилар; 3) улар қўчма ва эмоционал мазмунга эга бўлмайдилар; 4) улар фаннинг ушбу соҳасининг тизимини ташкил қиласидилар ва ҳоказо.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шу сабабли терминнинг умумий таърифи учун, шу жумладан ижтимоий фанлар учун, бизнинг фикримизча, И.С. Квитконинг таърифи етарли даражада тўлиқ ҳисобланади, у ҳар хил таърифларга таяниб, уни шундай аниқ ифода қиласиди: “термин – бу билимнинг (фаннинг, техниканинг) маълум уюшган соҳасининг тушунчаси билан муносабатдош бўлган, бошқа сўзлар ва сўзга оид комплекслар билан тизимли муносабатларга киришадиган ва улар билан ҳар бир алоҳида ҳолда ҳамда маълум вақтда ёпиқ тизимни ҳосил қилувчи, юқори информативлик, бир маънога эгалик, аниқлик ҳамда экспрессив нейтраллик билан ажратиб турадиган сўзлар ва сўзга оид комплексдир”.⁸

Диншуносликка оид термин, умуман терминларга қараганда, бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда қўлланиладиган сўзнинг ва терминнинг хусусиятларини бирга қўшади. Ҳамма ерда қўлланиладиган сўз қаби диншуносликка оид термин дин тушунчасини этнологик ва маданий жиҳат билан маълум замон ва территориал маконда номлайди (бу уни маълум соҳага, шу жумладан ижтимоий-сиёсий соҳага белгиланган терминдан ажратиб туради). Шунинг учун диншуносликка оид термин қўйидаги белгиларга эга бўлади: 1) маҳсус (ислом динига оид, христиан динига оид, теологик ва ҳоказо) тушунчаларни номлайди; 2) маданий, этнологик, тарихий ҳамда лингвистик жиҳатларга эга; 3) ишлаш жараёнида номлари келтирилган белгиларнинг иккиталаридан биринчилари полисемия, синонимия, антонимия, эмоционал ва қўчма мазмунга йўл қўядилар; 4) бу терминларнинг ҳаммаси диннинг ҳамда диншунослик илмининг терминлар тизимини ташкил қиласидилар.

Шунинг учун ушбу ишда диншуносликка оид термин ҳар қандай диннинг ёки диншунослик илмининг тушунчаси билан муносабатдош сўз ёки сўзга оид комплекс деб таърифланади, улар бошқа сўзлар ёки сўзга оид комплекслар билан тизимли муносабатга киришадилар ва, қоидага кўра, юқори информативлик, бир маънога эгалик, аниқлик ҳамда экспрессив нейтраллик

⁸ Квитко И.С. Термин в научном документе. – Львов: Вища школа, 1976. – 128 с.

билин характерланадиган берк тизимни ташкил қиласылар, бирок бу терминлар тизими тегишли бўлган ижтимоий ҳодисанинг ўзига хослиги муносабати билан, маълум терминлар учун полисемия, синонимия, антонимия, эмоционал ва кўчма мазмунга йўл қўядилар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, диншуносликка оид терминга юқорида берилган бундай таърифлар унинг функционал жиҳатидаги муносабатларнинг иккита типини аниқлаш имконини беради, уларда термин тилнинг бошқа бирликлари билан ёки унга ўхшаш диншуносликка оид терминлар билан, ёки ҳамма ерда қўлланиладиган тилнинг лексемалари билан муносабатга киришади. Биринчи ҳолда сўз диншуносликка оид терминлар тизимининг доирасидаги диний тизим ички муносабатлари (полисемия, синонимия, антонимия) ҳақида, иккинчи ҳолда – тизимлараро диний-умумтил муносабатлари (полисемия, синонимия, антонимия) ҳақида боряпти. Шундай қилиб, диншуносликка оид терминларнинг генетик ва лексик-семантик аспектлардаги конкрет таҳлили тилга олинган муносабатларнинг иккала типларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Квитко И.С. Термин в научном документе. – Львов: Вища школа, 1976. – 128 с
2. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968. – С. 113.
3. Меркель, С.Э. Семантико-истрибутивная верификация терминологического знака (на материале документов немецкого гражданско -процессуального права) / С.Э. Меркель : Дис. канд. филол. наук: 10.02.04. – Волгоград, 2001. – 187 с.
4. Barclay W. Analiza semantică a unor termeni din Noul Testament. – Wheaton, Illinois, 1992. – 220 p.
5. Xodjakulova F.R.(2020). Analysis of terminology of literary criticism in English. Namangan state university. Scientific journal .11issue .2020 year.
6. Xodjakulova F.R.(2021). Lexical semantic problems in translation. Thematic journal of English language teaching.Vol-5-Issue-1-2021.
7. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. Вопросы теории и методики. М.: 1961. – 157 с.

8. Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века // Язык и наука конца 20 века. М.: Институт языкоznания РАН, 1995. С. 144-238.
9. Левицкий В.В. Семасиология: монография для молодых исследователей. Винница, 2012. – 680 с
10. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика: Пособие для студентов гуманит. вузов и учащихся лицеев. – 2-е изд., испр. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 207 с
11. Петров В.В. Идеи современной феноменологии и герменевтики в лингвистическом представлении знаний // Вопросы языкоznания. 1990. № 6. – С.103.
12. Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Правда, 1989. – 282 с.
13. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Москва: Наука, 1978. – 341 с
14. Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. – М.-Берлин: Директ-медиа, 2015. – 239 с.
15. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики – М: Наука, 1973. – 280 с.